

Қорақалпоғистон Республикаси
автомобиль йўллари
бош бошқармасининг
2025 йил 21-ноябрдаги
137-О-сон буйруғига
1-илова

Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармасининг коррупцияга қарши курашиш СИЁСАТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармасининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати (бундан буён матнда Сиёсат деб юритилади) ходимлар орасида ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармаси, туман муассасалари, идоравий ташкилотлари (кейинги ўринларда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари деб юритилади) юқори ахлоқий меъёрларга содиқлигини, шунингдек, Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга мурасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни акс эттиради.

2. Сиёсат ISO 37001:2025 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари – Фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандарти талабларини инобатга олган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари ва етакчи халқаро амалиёт асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ушбу сиёсатни фаолиятининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда қабул қилишлари, коррупцияга қарши курашиш механизмларини, мавжуд бўлган коррупция хавфи, тажрибаси ва мавжуд манбалари асосида ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари лозим.

4. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларида коррупцияни тубдан йўқотишга эришиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш;

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияни олдини олиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.

5. Сиёсат Бош бошқарманинг ички ҳужжати сифатида юқорида кўрсатилган асосий мақсадларга эришиш учун Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаб берувчи асос ҳисобланади.

6. Мазкур Сиёсатнинг талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъи назар Бош бошқарма билан меҳнат муносабатларида бўлган барча ходимларга, шу жумладан, туман муассасалари ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларига тадбиқ этилади.

7. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ишга қабул қилинаётган ҳар қандай шахс ушбу Сиёсат билан имзо қўйган ҳолда танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.

8. Ушбу Сиёсат мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалар қўлланилади:

алоқадор шахслар – ходим билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно;

иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгилари – Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари манфаатларида фаолият давомида ҳамкорлик ўрнатиш ва (ёки) қўллаб-қувватлашга алоқадор харажатлар, шу жумладан, ишбилармонлик билан боғлиқ кечки овқат, транспорт ва яшаш харажатларини қоплаш билан боғлиқ харажатлар ва ҳ.к.;

коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилганлиги тўғрисида виждонан хабар бериш – Бош бошқарма ва унинг идоравий

мансуб ташкилотлари ходими томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги (содир этишга суиқасд қилинганлиги) тўғрисида рухсат этилган алоқа каналлари орқали асослилигига ишонч ҳосил қилган ҳолда йўллаган мурожаат;

контрагент (шартномавий шерик) – Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порани яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулкни, мулкый тусдаги хизматларни, бошқа мулкый ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмийлаштирилган соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки ҳуқуққа ҳилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими – қўлланиладиган амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий хавф-хатар – Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи;

манфаатлар тўқнашуви – Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан Бош бошқарма ва унинг

идоравий мансуб ташкилотлари манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

расмийчиликни соддалаштириш учун тўловлар – белгиланган тартиб-таомиллар бажарилишини таъминлаш ёки тезлаштириш, тегишли қонунчилик, нормалар ва қоидаларда назарда тутилмаган ҳаракатлар содир этиш учун ғайриқонуний равишда бериладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқлар, хизматлар ва бошқа моддий ёки номоддий наф;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари);

ходим – Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

яқин қариндошлар – ота-она, туғишган ва ўғай ака-укалар ва опа-сингиллар, эр (хотин), фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, неваралар, шунингдек эрнинг (хотиннинг) ота-онаси.

2-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари

9. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш тизимини қуйидаги тамойилларга асосланиб амалга оширади:

қонунийлик – Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳонда тан олинган амалиётни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Бош бошқарма тизимининг белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

коррупцияга тоқатсизлик – Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш тақиқланади;

очиқлик ва шаффофлик – Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари ва контрагентларини, кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентивлиги, тизимлилиги ва ўзаро боғлиқлиги – Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишига ва коррупциявий хавф-хатарларга кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради. Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мувофиқ келади ҳамда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари барча функциялари ва йўналишларига интеграция қилинган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилган;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги – коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Бош бошқарма тизими ходимлари ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Бош бошқарманинг ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;

техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиш – Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш тизимини яратишда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш – Бош бошқарма тизимининг ҳар бир ходими коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлигини тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда белгиланган чораларни кўриш учун тўсқинликсиз идора раҳбари ва Бош бошқарма бошлиғига мурожаат қилиши мумкин;

фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик – Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ўзларига юклатилган функцияларни бажаришда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ҳалоллик, холислик ва мустақиллик асосида мустақил назорат қилиш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб этадилар;

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш – коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни амалга ошириш натижаларига кўра Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чораларини кўрадилар.

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимнинг элементлари

10. Коррупцияга “мутлақо тоқатсизлик” тамойилига таянган ҳолда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари барча ходимларига коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларда иштирок этиши, яъни пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора, яъни пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулк, мулкый тусдаги хизматларни беришни талаб қилиш, товламачилик қилиш, ваъда бериш ва пора бериш, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмийтчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, шахс томонидан пора олиш ёки ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиши қатъиян тақиқланади.

11. Қуйидагилар Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосий элементлари ҳисобланади:

а) коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички ҳужжатлар мавжудлиги, Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосини:

мазкур Сиёсат;

Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармаси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;

Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармаси тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда акс эттирилган тамойиллар ва талабларни ташкил этади;

б) “Юқоридан қуйига муносабат” – Юқори даражада раҳбарлик намунаси:

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг раҳбарлари, шунингдек, Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ўзига

бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахслар билан муносабатларда ҳалол, адолатли ва мустақил ҳуқ-атвор намунаси бўлишлари керак;

Бош бошқарма бошлиғи, Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари коррупцияга қарши курашиш самарали тизимни яратиш ва амалга оширишда қуйидагилар орқали етакчиликни намойиш этадилар:

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятининг хавф-хатарга эга функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши курашиш самарали чора-тадбирлар ва тартибларни жорий этиш, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш дастури/йўл харитасини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали кўмаклашиш;

Ўз мансаб мажбуриятларини бажариш доирасида, Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларида коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантирган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички ҳужжатларга риоя қилиш ва ахлоқий ҳуқ-атвор юзасидан шахсан намуна сифатида намоён бўлиш;

в) коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш:

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари функцияларининг хусусияти, ташкилий тузилмаси, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро фаолият олиб боришига ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда ўз фаолиятига хос бўлган коррупциявий хавф-хатарларни аниқлайди ва баҳолайди;

коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш доирасида Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятининг барча соҳалари коррупциявий хавф-хатарига кўпроқ учрайдиган функцияларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилинади, уларда мавжуд бўлган коррупцияга қарши курашишни назорат қилишнинг барча шакллари ва тартиб-таомиллари аниқланган хавф-хатарларни камайитириш учун етарлилиги жиҳатидан таҳлил қилинади. Хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнида Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши курашиш бўлимининг фаол қўллаб-қувватлаши ва назорати остида Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари тегишли раҳбарлари, коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахслар иштирок этади;

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг коррупциявий ҳаракатларга “мутлақо тоқатсизлик”ни ҳисобга олган ҳолда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари коррупциявий

хавф-хатарларнинг юзага келиш эҳтимоли ва таъсир қилиш даражасидан катъи назар уларни бошқариш заруратини тан олади;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш йилига камида бир марта амалга оширилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Бош бошқарма бошлиғи ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари томонидан кўриб чиқилади шунингдек, аниқланган хавф-хатарларни камайтирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Бош бошқарманинг коррупцияга қарши курашиш дастурларида акс эттирилади.

г) коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар:

Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйиш мақсадида коррупцияга қарши курашишни шакллантириш ва назорат қилиш жараёни учун алоҳида масъул бўлган–Коррупцияга қарши ички назорат бўйича бош мутахассис лавозими ташкил этилган;

Бош мутахассис Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларни амалга оширишда етарли даражада мустақилликка ва муҳим ресурсларга эга бўлиб, ўз фаолиятини Коррупцияга қарши курашиш ички назорат низомига мувофиқ амалга оширади;

Туман муассасалари ва бўйсунувдаги идоравий мансуб ташкилотларининг коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчилари коррупцияни бартараф этиш чораларини кўради, шу билан бирга, ўзига юклатилган вазифалар доирасида Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул шахс билан ҳамкорлик қилади;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширишда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг Инсон ресурслари бўйича бош мутахассис Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармаси тизимида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланган тартибда ва ҳажмда ходимлар ва алоқадор шахсларнинг яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тизимли йиғиш, таҳлил қилиш ва янгилаб бориш учун жавобгар бўлади;

Бундан ташқари, Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг одоб-ахлоқ комиссиялари ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги келиб тушган маълумотларни кўриб чиқади ва (манфаатлар тўқнашуви тартибга солилмаган тақдирда) уни ҳал қилиш бўйича қарор қабул қилади ёки аниқланган манфаатлар

тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлилиги ёхуд етарли эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек, Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши масалаларини кўриб чиқади. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш доирасида Одоб-ахлоқ комиссиялари (ёки шунга ўхшаш комиссиялар) Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармаси тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом асосида иш юритади;

д) аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чоралар:

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ўз фаолияти ва функцияларидаги коррупциявий хавф-хатарли йўналишларда умумий назорат муҳитини ва коррупцияга қарши курашиш назорат ҳамда тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи коррупцияга қарши курашишнинг комплекс тизимини жорий этадилар.

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари коррупцияга қарши курашишни назорат қилиш ва тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, жумладан, уларнинг аниқланган хавф-хатар даражасига мутаносиблиги, Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари учун қатъийлиги ва аниқлиги, фуқаролик жамияти учун шаффофлигини таъминлашга интиладилар;

Амалга ошириладиган тадбирлар, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича назорат чоралари ва тартиб-таомиллар Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури/режаси/йўл харитасида акс эттирилади ҳамда тегишли ички ҳужжатларда белгиланади;

е) ахборотлаштириш, коммуникация ва маслаҳат бериш:

Коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида жамиятнинг хабардорлигини ошириш мақсадида, мазкур Сиёсат ва Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлари тўғрисидаги асосий маълумотлар уларнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

Бундан ташқари, Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари ва коррупцияга қарши курашиш жорий этилган тамойиллар ва талаблар ҳақида Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларни хабардор қилиш ва

тушунтириш бўйича қуйидагилар орқали барча оқилона хатти-харакатларни амалга оширади:

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларини йилига камида бир марта коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича доимий ва тизимли ўқитиш, шу жумладан, ишга янги қабул қилинаётган ходимларни ушбу Сиёсат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа ички ҳужжатлар билан мажбурий тартибда таништириш билан биргаликда уларни коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларда ўқитиш. Коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш бўйича қўшимча таълим дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўқиш/тренинглар ҳақидаги маълумотлар Инсон ресурслари бўйича бош мутахассисда қонунчиликда белгиланган тартибда сақланади;

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга муросасиз муносабатини шакллантириш бўйича ва коррупцияга қарши курашиш амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган тематик аудио- ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашиш тадбирлар ўтказиш;

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги гумонлар ёки фактлар, коррупциявий хавф-хатарлар ва бошқалар (коррупция фактлари ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган усуллари тўғрисидаги батафсил маълумот мазкур Сиёсатнинг 4-бобида назарда тутилган) ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган алоқа каналлари билан таъминлаш;

мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши ички назорат бўйича бош мутахассис/коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи томонидан коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар келиб чиққанда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларига маслаҳатлар бериш;

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши курашиш қоидаларни киритиш;

тасдиқланган режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул шахс томонидан коррупцияга қарши курашиш хулқ-атвор юзасидан ташвиқотлар ўтказиш;

контрагентларни коррупцияга қарши курашиш қабул қилинган талаблар ва тамойиллар ҳақида, шу жумладан, улар билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус шартларни киритиш тўғрисида хабардор қилиш ва ҳ.к.;

г) мониторинг, назорат ва ҳисобот:

Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши ички назорат бўйича бош мутахассис Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши курашишда амалга оширилган чора-тадбирларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва самарадорлигини баҳолайди ҳамда доимий мониторингини олиб боради. Ўтказилган мониторинг натижалари бўйича Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли чоралар кўрилади.

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари мониторинг ва назорат қилишнинг қўйидаги тартиб-таомиллари амалга оширилади:

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти ва функцияларидаги ўзгаришлар, уларнинг ташкилий-функционал тузилмасидаги ўзгаришлар ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларнинг Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимига таъсирини, мазкур тизимга ўзгартириш киритиш заруриятини таҳлил қилиш, шу жумладан, уни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

тасдиқланган режага мувофиқ самарасиз назорат ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни тўғрилаш ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида Бош бошқарма тизимидаги функциялар ва ички жараёнларни мониторинг қилиш;

ички ва (ёки) ташқи текширувларни ўтказиш жараёнида Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилинишини назорат қилиш;

Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши ички назорат бўйича бош мутахассис коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи ва бошқа таркибий тузилмаларга юклатилган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тегишли тартибда амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш ва ҳ.к.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини назорат қилиш ва мониторинги бўйича чора-тадбирлар натижалари Бош бошқарма бошлиғи, туман муассасалари ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларининг чораклик ҳисоботларида ўз аксини топади.

з) ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш:

мазкур Сиёсатга амал қилиш ва Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга риоя қилиш ҳар бир ходим учун ўз хизмат мажбуриятларини бажарилиши доирасида мажбурийдир. Ходимлар белгиланган талаб ва тартиб-таомилларнинг бузганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар. Бундан ташқари, бевосита раҳбарлар ўз бўйсунувидаги ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар;

коррупцияга қарши курашишга оид белгиланган талаблар ва тамойилларни бузган Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиладилар;

ходимлар уларни коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай мурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида ўз раҳбарларига, Бош бошқарманинг коррупцияга қарши ички назорат бўйича бош мутахассисига хабар беришлари шарт;

коррупцияга мутлақо тоқатсизлик тамойилини ҳисобга олган ҳолда, Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай асосли шубҳа бўйича хизмат текширувлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ва ички ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтказилади. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини ва (ёки) мазкур сиёсат ва Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган коррупцияга қарши талаб ва тартиб-таомилларни бузган Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари, уларнинг лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳамда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг ички ҳужжатларида назарда тутилган доирада ва асосларда жавобгарликка тортиладилар;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қиладилар ва доимий асосда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштирадилар;

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва текшириш учун бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат органлари билан ҳамкорлик қиладилар.

4-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

§ 1. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

12. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва (ёки) Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари манфаатларини ифодалаш доирасида виждонлилиқ ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг хизмат мавқеидан ва (ёки) Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг мол-мулкидан фойдаланмаслик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан сақланишлари лозим.

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг ўзларининг хизмат мажбуриятларини лозим даражада ва ҳолис бажаришларига, жумладан, ҳолис қарор қабул қилишга ҳамда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, мол-мулки ва (ёки) нуфузига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган вазиятда манфаатлар тўқнашуви юзага келади.

13. Бош бошқарма тизимининг ходимлари ишга қабул қилинишида, бошқа лавозимга ўтказилишида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлиги ҳақидаги маълумотларни ҳар йили ва тегишли вазиятлар/ҳолатлар юзага келишига қараб ошкор қилишга мажбурдирлар. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ва уни ҳал қилиш жараёни Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль йўллари бош бошқармаси тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

§ 2. Совғалар ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари

14. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан бирон-бир совға ёки иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари, қарз, кафолатлар, кафилликлар,

мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини, нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилиш тақиқланади.

15. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари томонидан расмий делегациялар таркибида, расмий тадбирларда, жумладан, хорижда олинган ҳар қандай совғалар суммасидан қатъи назар Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг мулкига ўтказилади.

16. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларига уларнинг шахси билан боғлиқ байрамлар (туғилган кун, боланинг туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни)да берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади.

17. Бундай совғаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

совғалар Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг камида уч нафар ходимлари иштирокида берилиши;

совға бериш жарёни табрик нутқи билан бирга бўлиши, унда совға беришга сабаб бўлган воқеа ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши;

совганинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга олган ҳолда) 5 (беш) базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги;

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг битта ходими бошқа ходимга совға учун сарфлайдиган харажат суммаси, ҳар бир ҳолатда 1 (битта) базавий ҳисоблаш миқдордан ошмаслиги керак.

18. Шубҳалар пайдо бўлмаслиги учун бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, шериклар ва контрагентлар, ушбу Сиёсатнинг 15 ва 16-бандларида кўрсатилмаган бошқа жисмоний ва юридик шахслардан ҳар қандай байрам (туғилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни ва ҳ.к.ни инобатга олган ҳолда, бироқ бу билан чекланмасдан) билан боғлиқ ҳолда олинадиган, ушбу Сиёсатнинг 14-бандида санаб ўтилган совғалар ва бошқа моддий бойликларни олиш тақиқланади.

19. Бош бошқарма номидан халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа ишбилармонлик (хизматга оид) йиғилишларда совғалар бериш Бош бошқарма бошлиғи ёки унинг ўринбосарларининг буйруғи билан амалга оширилади.

20. Совғани қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида шубҳа туғилган ҳар қандай ҳолларда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходими Бош бошқарма тизимида коррупцияга қарши ички назорат бўйича бош мутахассисига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

§ 3. Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказиш, моддий рағбатлантириш

21. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларини танлаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва фаолиятини баҳолаш, шу жумладан мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ва холис бўлиб, ушбу Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мувофиқ келади.

22. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари да уларнинг раҳбарлари, шунингдек, бошқарма ва бўлим бошлиқларини мукофотлашга асос бўлиб хизмат қиладиган, улар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Ушбу кўрсаткичлар холис, ошкора ҳамда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

§ 4. Текширишларни ўтказиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ўрганиш

23. Турли хил текширишларни ўтказиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг (кейинги ўринларда – “Текшириш объектлари”) фаолиятини ўрганишда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари:

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги;
 объектни текшириш бир ходим томонидан амалга оширилмаслиги;
 содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни сохталаштириш учун текшириш объекти вакилларининг саводсизлигидан фойдаланиб қонун ҳужжатлари нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, текширилаётган объект ходимларини аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш билан қўрқитмаслиги;
 текширилаётган объектнинг ходимларига таҳдид қилмаслиги;
 текшириш предметиға кирмайдиган масалалар билан қизиқмасликлари ва ҳужжатларни сўрамасликлари.

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари текшириш давомида аниқланган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қонуний ва профессионал баҳо беришлари;

агар текшириш объекти вакиллари Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларига аниқланган қонунбузарликларни яшириш учун пора ва (ёки) бирон-бир моддий қимматлик ёки хизматларни таклиф қилса, текшириш гуруҳи раҳбарини дарҳол хабардор қилишлари;

текшириш объекти вакиллари Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг ахлоқий хулқ-автор тамойилларига мувофиқ ҳолис муносабатда бўлишлари шарт.

24. Хизмат мажбуриятига давлат органлари ва ташкилотларини текшириш кирадиган Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг таркибий тузилмаларида ўтказилган текшириш натижалари бўйича Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан низолашиш учун апелляция инстанциялари ташкил этилади.

5-§. Контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар

25. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ушбу Сиёсатнинг тамойиллари ва талабларига зид бўлган ҳар қандай тўловлар ва (ёки) шу каби коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун маҳсулот етказиб берувчиларни, пудратчиларни ва бошқа учинчи томонларни жалб қилмайдилар.

26. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари контрагентлар билан муносабатларда ўз фаолиятини амалга оширишида қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қиладилар. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари танлашнинг ҳолис мезонларидан фойдаланишга асосланган, маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлаб олишнинг ҳаққоний, очиқ ва шаффоф жараёнини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва сотиб олинadиган маҳсулотнинг Бош бошқарма тизимининг ички ҳужжатлари билан тартибга солинадиган баҳосини аниқлашнинг шаффоф тартибини таъминлайдилар.

27. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари контрагент билан ўзаро ҳамкорлигида:

эҳтимоли юқори бўлган контрагентнинг ишончлилигини, шу жумладан ўтмишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги, Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари давлат харидлари тўғрисидаги низомга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси

қонунчилиги нормалари доирасида Бош бошқарма тизими ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текширадилар;

эҳтимоли юқори бўлган контрагентни (танлов, тендер ғолибини ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид контрагенти) ўзининг коррупцияга қарши тамойиллари ва талаблари ҳақида улар билан тузиладиган шартномалар матнига коррупцияга қарши махсус шартларни қўшган ҳолда хабардор қиладилар.

§ 6. Хайрия ва ҳомийлик фаолияти

28. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари қонунда назарда тутилган ҳолларда хайрия ва ҳомийликни қабул қилишлари мумкин. Бундай ёрдамни олган пайтда Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни қонунда ва (ёки) шартномада белгиланган мақсадлар учун самарали сарфланишини таъминлаш, шунингдек Интернет тармоғидаги ўзининг расмий веб-сайтларида имкон қадар барча чораларни кўришлари мумкин.

§ 7. “Сирли мижоз” тадбири

29. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифати ва тезлигини, шунингдек ҳаққоний ва очиқ танлов натижаларига кўра танлаб олинган мустақил компаниялар томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига мойиллигини аниқлаш учун хизматларнинг ҳақиқий олувчилари сифатида алоҳида назорат тадбирлари ўтказилади. Давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида мустақил компания бундай хизматларнинг сифати, муддатлари, шартларини, шунингдек, Бош бошқарма тизими ходимларининг белгиланган ахлоқ қоидаларига, шу жумладан ходимнинг пора олишга мойиллигини белгилаб боради.

30. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ўтказилган “сирли мижоз” тадбирлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқадиладар ва коррупция хавфи аниқланган тақдирда хизмат текшируви тайинлаш ҳақидаги ташаббус билан чиқадиладар.

§ 8. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини видеотасвирга олиш ва трансляция қилиш

31. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг фаолиятини назорат қилиш учун Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари хоналарида видео ва аудио ёзув камералари жойлаштирилади, уларнинг ёзувлари Бош бошқарма ва унинг

идоравий мансуб ташкилотларининг масъул ходимлари томонидан доимий равишда кузатиб борилади.

32. Бош бошқарманинг расмий веб-сайтига коррупция хавфи юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляциялари жойлаштирилади (хусусан, ходимлар билан суҳбат ўтказиш ва уларни синовдан ўтказиш, комиссия йиғилишлари ва бошқалар).

§ 9. Ички ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизаси

33. Ички ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратадиган коррупциявий омиллар келиб чиқишини олдини олиш, аниқлаш ва истисно қилиш мақсадида ҳам экспертиза ўтказилади.

§ 10. Бош бошқарма тизими ходимларига маслаҳат бериш

34. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларида коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари, ушбу Сиёсат қоидалари ёки Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларида коррупцияга қарши бошқа чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай саволлар бўлса, Бош бошқарманинг коррупцияга қарши ички назорат бўйича бош мутахассисига 71-207-67-68 (434) ҳамда Бош бошқарма қабулхонаси (61) 225-12-75 ва (61) 225-17-52 ишонч телефониغا мурожаат қилишлари мумкин.

5-боб. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш

35. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимлари ва бошқа шахслар, агар улар Бош бошқарма тизими ходимлари хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги ва (ёки) одоб-ахлоққа мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғилса, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишига гумон ёки содир этилганлиги фактлари бўлса, улар бу ҳақда Бош бошқарманинг алоқа каналлари орқали хабар беришлари мумкин.

36. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишончли маълумот берган шахснинг махфийлигини таъминлайдилар (қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

37. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ўз ходимларининг манфаатларини ҳимоя қиладилар ва қасос олишга

қаратилган ҳаракатларга, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимни пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш, Бош бошқарма тизимининг бошқа ходимларининг шубҳали ҳаракатлари ёки улар томонидан ушбу Сиёсатнинг коррупцияга қарши талабларини бузиш эҳтимоли ҳақида хабар берган шахсларни таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини кафолатлайдилар.

38. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қуйидаги алоқа каналлари орқали бериш мумкин:

(61) 225-12-75 ва (61) 225-17-52 телефон рақамлари ва Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари томонидан ўрнатилган бошқа телефон рақамлар;

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг [@kkavtojol_bot](https://t.me/kkavtojol_bot) ва бошқа Телеграм каналлари;

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари расмий веб-сайтларида жойлаштирилган шакллар;

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг электрон почта манзиллари;

тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига.

39. Бош бошқарма тизимининг алоқа каналларига келиб тушган барча хабарлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг ички ҳужжатларига мувофиқ Бош бошқарма тизимининг масъул ходими томонидан ҳолис тарзда ва ўз вақтида кўриб чиқилади.

40. Аноним равишда (фақат Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг Телеграм каналлари орқали) юборилган хабарлар ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Ўз номини ошкор қилинмаслигини истаган ариза берувчи бундай ҳолатда қуйидагиларни тан олади:

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс билан боғлана олмайди;

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари зарур қўшимча маълумотларни олишнинг имконияти йўқлиги сабабли хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни амалга ошира олмайди.

41. Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари томонидан келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс билан қуйидаги ҳолатларда боғланилмайди:

тўлиқ ва кенг қамровли текшириш ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларнинг йўқлиги;

Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимининг қасддан ёлғон маълумотни тақдим этиши ушбу Сиёсатни бузилиши ва ахлоқсиз хулқ-атворнинг намунаси сифатида қаралса, бундай шахс эса Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва Бош бошқарманинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

42. Бош бошқарма тизимида коррупция фактлари тўғрисида виждонан хабар берган Бош бошқарма тизимининг ходимлари, агар бу маълумотлар тасдиқланган бўлса, ички ҳужжатларга мувофиқ рағбатлантирилиши мумкин.

43. Барча алоқа каналларининг ишлаши ва олинган хабарларни қайта ишлаш/кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги батафсил маълумот Бош бошқарманинг коррупциявий тусдаги маълумот ҳақида хабар бериш учун алоқа каналлари тўғрисидаги низомда ва бошқа шунга ўхшаш ички ҳужжатларида акс этган.

6-боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

44. Ушбу Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тузатилиши керак:

коррупцияга қарши курашиш амалдаги сиёсат ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарадиган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда;

коррупцияга қарши курашиш самарасиз назорат ва тартиб-таомиллар аниқланганда ва Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришга зарурат туғилганда;

Бош бошқарма тизимининг ташкилий тузилмаси ва (ёки) Бош бошқарма ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари томонидан ўз вазифаларини бажариши хусусиятлари ва бошқалар ўзгарганда.